ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

## ҲУҚУҚИЙ МАҚОМ ТЎЛАРОҚ БЎЛСА...

Мен «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ва «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳалари билан чуқур танишиб чиқдим. Уларни ўқиб, танишганимда айрим фикр ва таклифлар туғилдики, уларни қуйида келтирмоқчиман.

Иккала қонун лойиҳасининг моддалари ва таркибий тузилишида кўп жойларда бир хиллик кўзга ташланади. Яна шуни айтмоқчиманки, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 1-моддасида фермер хўжалигининг аъзолари кимлар бўлиши мумкинлиги айтилган. Унда «фарзандликка олинган болалар, асранди болалар...» деган жумлалар бор. Биздаги амалдаги «Никоҳ ва оила» Кодексига асосан фарзандликка олинган ёки асранди болалар сир тутилади. Ушбу моддани такомиллаштириш ёки ўша жумлаларни олиб ташлаш лозим деб ўйлайман. Чунки асраб олганми, фарзандликка қабул қилганми – бирор шахснинг болалари деб ҳисобланади.

Лойиҳанинг 4-моддасида фермер хўжалигининг бошлиғи 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малакага эга бўлган киши бўлиши таъкидланган. Менимча, 18 га кирган бола ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, бунинг устига бирор ихтисослиги бўлмаган шахс ҳисобланади. Шунинг учун ёшни камида 20 қилиб белгилаш ва «қишлоқ хўжалигига оид бирор ихтисосга эга бўлган» деган жумлани киритиш кераккa ўхшайди. Яна шу моддага қўшимча қилиб, фермер хўжалигининг ҳуқуқий мақомини тўлароқ баён этиш керак. Балки уни алоҳида модда қилиб киритиш тўғрироқ бўлармиди?

33-модда мазмуни 6-моддага қарши чиқиб қолган. 6-моддага фермер хўжалиги истовчининг аризасига кўра, туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилади, деб айтилган. Фермер хўжалигининг тугатилиши эса хўжалик судининг қарори билан амалга оширилади деган фикр бор. Бунга ягона тартиб киритилиши керакка ўхшайди. Менимча, фермер хўжалиги фермер хўжалиги ташаббускорининг қарори билан ташкил этилиши ва туман ҳокимиятининг рўйхатидан ўтгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлиши керак. Ўшанда фермер хўжалигини тугатиш зарурати туғилганда фермер хўжалигининг бошлиғи қарори бунга асос бўлади. Чунки гап бу ерда фермерлар хўжалиги эмас, якка шахс – фермер хўжалиги ҳақида боряпти.

**Йўлдош СУЮНОВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**



*Кимки ўзига маъқул келган иш билан машғул бўлса, унинг ҳаёти мазмунли кечади. Турмуш қийинчиликлари ундан йироқлашади. Риштон туманидаги очиқ турдаги ип йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси Гулчеҳрахон Ҳайдарова ҳам ўзига қарашли дастгоҳларда соатлаб ишласа-да чарчаганини билмайди. Чунки тўқувчилик унинг севимли машғулотига айланган.*

***СУРАТДА:** тўқувчи Гулчеҳрахон Ҳайдарова.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ЭЪТИБОР

**Ўтган йили Сирдарё вилоятида иқтисодий-ижтимоий ривожланишни янада жадаллаштиришда муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, қурилиш ҳажми тўрт баробар, саноат, маиший хизмат кўрсатиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, ташқи савдо айланмаси ва аҳолининг пул даромади бирмунча ортди. Инсон манфаатларини таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилди. Бюджет маблағларининг салкам қирқ фоизи ижтимоий-маданий соҳаларга сарфланди.**

Вилоят фаолларининг йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Унда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ў.Исмоилов шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар ўтган йил якунларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди. Жумладан, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камаймаётгани корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусийлаштириш ҳамма жойда ҳам кутилган натижани бермаяпти. Қимматли қоғозлар бозори деярли ишламаяпти. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг аксарияти йилни зарар билан якунлади. Жойларда техника, ёнилғи ва кимёвий ўғитларни талон-тарож қилиш, ердан фойдаланиш талабларини бузиш ҳолларига йўл қўйилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг янгича усулларини дадиллик билан жорий этиш, фермер, деҳқон хўжаликлари фаолиятини яхшилаш, дала меҳнаткашларининг тафаккурини ўзгартириш, уларда мулкдорлик, ўзлари яшаб турган заминнинг ҳақиқий хўжайини ҳиссини шакллантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Оила йилида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялашни янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Фарҳод НОРМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

### БИТИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши БМТ Бош котиби Кофи Аннан ва Ироқ ҳукумати ўртасида имзоланган битимни тўла-тўкис қўллаб-қувватлади. Ушбу битимга кўра БМТ назоратчилари Ироқ Президентининг барча қароргоҳларини текшириш ҳуқуқига эга бўлишди.*

### НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

*Малайзия ҳукумати иқтисодий ва молиявий таназзул туфайли Индонезиядан ноқонуний равишда мамлакатга кириб келаётганлар сони кўпаётганлиги боис соҳил бўйларида назоратни кучайтирди. Маълумотларга қараганда кейинги ўн беш кун ичида турли яширин йўллар билан 3 мингдан зиёд индонезияликлар Малайзияга келган.*

### ҚЎРИҚЧИСИЗ ҚОЛИШДИ

*Россия Президенти бир қатор юқори лавозимли мансабдорларни давлат томонидан қўриқланишини бекор қилиш ҳақида фармон берди. Ҳукумат раиси ўринбосарлари, жумладан биринчи ўринбосарлар А. Чубайс ва Б. Немцов ҳам қўриқчисиз қолишди.*

*Б. Ельцин кеча яна бир — Хавфсизлик Кенгаши ва Мудофаа кенгашини бирлаштириш ҳақидаги фармонга ҳам имзо чекди.*

**Хорижий оммавий-ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

МАЪНАВИЯТ

**Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз.**

**Ислом КАРИМОВ**

# КЎНГИЛДАГИ БУЗИЛИШ

## Ислом дини: ҳокимият ва инсон

Учинчи мақола

*** Ваҳҳобийлар ҳаракати замирида ётган мақсад нима?**
*** Рус олимининг эътирофи**
*** Ақидапарастлик. Қўпорувчилик. Суиқасд**
*** Миллатнинг умид ниҳоллари тийрак бўлса...**

### 11.Кеча ва кундуз

«1922 йилнинг майида патриарх Тихон Муқаддас Синоднинг ҳамма аъзолари билан бирга қамоққа олинди, 32 митрополит ва архиепископ отиб ташланди. Аммо расман «отилди» деган билан, аслида ваҳшийларча қийнаб ўлдирилди. Киев митрополити Владимир танаси момоталоқ қилиниб, бичилган, кейин отилган ва қип-яланғоч ҳолда чоҳга улоқтирилган. Патриарх қазо қилган тақдирда унинг ўрнини эгаллаш керак бўлган Петроград митрополити Вениамин қаҳратон совуқда устидан сув қуйиб яхлатилган: кейин чўктириб юборилган. Бир вақтлар ўз ихтиёри билан подшо саройидан сургунга кетган Тобольск епископи Гермоген тириклай кема чамбарагига боғлаб қўйилган. Чамбарак айланиб унинг танасини бурда-бурда қилиб ташлаган. Ўтмишда Японияда насроний динини тарғиб қилиб шуҳрат қозонган Пермь архиепископи Андроник тириклайин ерга кўмилган. Чернигов архиепископи Василий чормих этилиб ёқиб юборилган...» — Игорь Бунич «Партиянинг олтинлари» китобида шундай ҳикоя қилади, бу яқин ўтмишда насроний дини намояндаларига бўлган муносабатдир. Ҳолбуки, Ислом аҳлларига ўша давр зулми бундан-да шафқатсиз ва беомон эди: **«СССРнинг Ўрта Осиё ва бошқа мусулмон минтақаларида аҳвол шундай эдики, мумтоз қатлам йўқ даражага тушиб қолганди, — деб ёзади «Азия и Африка сегодня» журналининг 1995 йил октябрь сонида тарих фанлари доктори, шарқшунос Алексей Малашенко, — урушгача бўлган даврда ўн минглаб руҳоний, уламолар қатли ом қилинди. Мадрасалар ёпилди. Минглаб масжидлар диндорлар қўлидан тортиб олинди ва бузиб ташланди. Ўн миллионлаб шўро мусулмонлари ихтиёрида яккаю ягона диний ўқув юрти — Бухородаги «Мир Араб» мадрасасигина бор эди, холос. Унга ўқишга киришни ҳам ҳукумат назорат қиларди. Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, шўро мусулмон оламида мумтоз анъаналар қаттиқ зарбага учраган, мустақил диний фикр бўғиб ташланганди.**

**Оқибат шунга олиб келдики, амалда мусулмонларнинг яқин Шарқдаги марказлари билан алоқалар батамом узилиб қолди».**

Бу бизнинг кечаги кунимиз.

Истиқлолдан кейин динга эътибор нечоғлик кучайганига бугун ҳар биримиз гувоҳмиз.

Рўза ва Қурбон ҳайитлари халқ байрами сифатида расман дам олиш кунлари деб белгиланди. Тошкентда Халқаро Ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Қуръони Каримнинг ўзбекча нашри, сўнгра ҳазрат Имом ал-Бухорий тўплаб қолдирган «Ал Жомиъ ас-Саҳиҳ»нинг ўзбек тилидаги тўрт жилди, «Аҳлоқ ва одобга оид ҳадис намуналари», «Қудсий ҳадислар», «Минг бир ҳадис», Пайғамбаримиз ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи ўнлаб китоблар, шунингдек, юзлаб диний мавзудаги асарлар чоп этилди. Диний ходимлар тайёрловчи ислом институти, ҳатто вилоятларда ҳам диний мадрасалар мавжуд. Тараққий топган мусулмон мамлакатларининг ўқув юртларида юзлаб талабаларимиз диний билим олишмоқда.

Диндорларнинг ҳуқуқлари бош қонунимиз бўйича кафолатланган.

Таққослаб кўринг: мустақилликкача Ўзбекистонда 87 та масжид бор эди, холос. Бугунги кунда уларнинг сони уч мингдан зиёд. 1980 йили собиқ СССР бўйича 17 киши ҳаж зиёратига борган бўлса, фақат ўтган йилнинг ўзида 4 мингга яқин юртдошларимиз бу саодатга муяссар бўлишди. Истиқлолдан сўнг ўн минглаб юртдошимиз ҳаж ва умра зиёратини амалга оширишди, дину иймон беадад қадр топди.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ва ҳар қандай демократия юксак маданиятни тақозо этади. Шу маънода истиқлол берган неъматларнинг қадрига етишимиз, динга ҳам, давлат осойишталигига ҳам путур етказувчи диний экстремистик қарашга йўл қўймай, дунёга тийрак назар ташлашимиз керак.

### 12. Дунёда кулфатнинг миллати бўлмас...

Бултур кузда хизмат юзасидан Наманган вилоятида бўлдик, шунда ҳозиргина теннис кордидан келган бир биродаримиз барчани мағлуб этганлигидан гап очиб қолди, мен фақат Эркинга бас кела олмас эдим, деди у. «Ким у?» деб сўрасак, авалги ҳоким муовини, деди у, Эркин Маматқулов, нима, у ҳақда эшитмаганмисизлар? Теннисда унинг олдига тушадиган одам йўқ эди. Ўша куни ҳам қош қорайгунча кордда бўлган, кейин касал ётган дўстини бориб кўрган, келиб болачақаси билан чой-пой ичган. Ёлғиз ўғил эди ўзи. Бир маҳал онаси «бирам қовун егим келаяпти-ей!» деган. Эртўлада қовун бор экан, «ҳозир тушиб олиб чиқаман, ойи», деган ва у чиқиб кетган, лекин ҳадеганда қайтиб келавермаган...

Айтишларича, ертўлада беш-олти киши - юзларига ниқоб кийган - пайт пойлаб туришган экан, у кирган заҳоти қорнини ёриб ташлаган. Қийналсин дейишганми, бира тўла ўлдириб қўя қолишмаган. Бечоранинг ичак-чавоғи чиқиб кетган, шу аянчли аҳволда сўнгги талваса билан ичаклари хас-хашакка илиниб қолса-да, қизил қонига бўялса-да, сирғала-сирғала минг азоб билан ташқарига чиққан. Энди муштипар онанинг ҳолини тасаввур қилинг! Қип-қизил қиёмат!..

— Ким унга шунчалик жабр қилган?

— Ҳамон топиша олмаяпти шуни!..

Шундан буён ҳам ярим йилча вақт ўтди. Ҳар куни қанча воқеалар содир бўлади ва унутилади. Аммо ўша шўрликнинг қизил қонига беланиб ертўладан чиқаётган ҳолати... зулм ва ёвузликнинг шафқатсиз тимсолидай ҳамон хотирада яшайди, киши хаёлидан чиқиб кетмайди сира.

Яқинда телевидение орқали Намангандаги ваҳҳобий аталмиш кимсаларнинг ёвуз қилмишлари ҳақида ҳикоя қилинди. Шунда Толиб Мамажонов деган шахс кимларнинг умрига зомин бўлганлигини айтатуриб, вилоят ҳокими муовинини ҳам биз ўлдирган эдик, дея иқрор бўлди. Бундан ҳам баттари — айримларни улар ҳатто чўғдай қизиб турган дазмолни босиб, қийнаб ўлдиришган... Бунчалик шафқатсизлик қилишга аслида сабаб нима? Доллар ундириш!..

Хўш, талончиликнинг Исломга нима даҳли бор?!

Би-Би-Си орқали худди шу масала юзасидан муносабат билдирган «муҳожиратдаги исломий мухолифат раҳбарларидан бўлмиш» Абдураҳмон Мансур инсонийликка ёт бу тажовуз ҳақида бир сўз демайди, аксинча, биз **«Халқни ўқитиб, тушунтириб, бирлаштириб, ҳақиқатни тушунтириш йўли билан ёки... куролли мужодара беришлик билан»** мақсадга эришамиз, деган фикрни маълум қилади. Танланган ҳар икки йўл ҳам ҳокимият даъвосига асосланган. Кишини ташвишлантирадиган томони — **«биз иккала томонига ҳам тайёрмиз»**, дейди у, яъни ҳатто қуролли таҳдидга ҳам!..

У кимга, нимага ишониб бу қадар қатъий фикр айтмоқда?!

Халқни ўқитиш, тушунтириш, бирлаштириш...истаги ҳам қонсираган кишининг «даъво»сидек бўлиб туюлади. Нима, ўзбек халқи саводсизми ёки афғон, тожик биродарларимиз каби гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб, «адолат ва демократия» шиори остида ҳокимият талашиб, биродаркушлик қилмоқдами?!

Демак, Ўзбекистондаги тинчлик, тотувлик, яратувчилик кимларгадир сира ёқмаяпти. Аниқроғи, уларнинг кўзлаган мақсадга эришишларига монелик қилаётир. Шунинг учун ҳам ҳали суяги қотмаган ёшларни «ўқитиб, тушунтириб», яъни ўз таъсирларига олиб, улар орқали масжид ва мадрасаларни забт этишни истайди. Бу — пинҳоний мақсадлари йўлида мусулмонларни «бирлаштириш», алал-оқибат уларни ҳокимиятга қарши қўйишда қулай усул. Шундан кейин Ислом давлати барпо этиш ғояси илгари сурилади, зеро, ҳокимиятни қўлга киритишда бундан кўра ўнғай воситанинг бўлиши мумкин эмас.

Бу — хонаки ваҳҳобийларнинг эмас, балки уларнинг ортида турган кучларнинг истаги, булар ижрочи, холос. Аммо бу алоҳида мавзу...

### 13. Йўқотиш ҳисобланмас эмиш!..

Тўқсонинчи йилларда ҳокимият даъвосида юрган «сиёсатчи»лардан бири **«улуғ мақсадларга эришиш йўлида беш-ўн одамнинг қурбон бўлиши йўқотиш ҳисобланмайди»** деган эди. Абдураҳмон Мансур ҳам шундай фикрда, шекилли? Йўқса, 1992 йилнинг қонли баҳорини, Шаҳидондаги манфаатлар тўқнашуви ва бу биродар халқ бошига ёғдирган адоқсиз кулфатларни фаромуш этмаган бўлур эди. Бундай худкомлар одамларни қандай жунбушга келтиришни, сўнг уларни қаёққа йўналтиришни, бунинг оқибатлари нима билан тугашини яхши билишади, аксига олиб кутилган натижага эришилмаса, қонли қўпорувчиликка номлари аралашиб қолишини мутлоқо исташмайди. Фақат жавобгарликдан қўрқишгани ёхуд сиёсий карьераси барбод бўлишидан чўчишгани учун эмас, албатта. Бундай қавм пинҳона мақсади йўлида юз минглаб одамларни ўлимга гирифтор этиши мумкин, лекин шунинг ҳам савобини ўзи олиб, уволини тўсиқ бўлиб турганларнинг елкасига ташлаб кетаверади...

Наманганлик профессор ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг айтишича, тўқсонинчи йилларнинг бошида ваҳҳобийлар Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ҳайкалини бузиб ташлашган. Бу ҳайкал аслида халқнинг азиз фарзандига ҳурматини билдирган, холос. Шуни оёқости қилишдан бошланган ҳаракат алал-оқибат мудҳиш жиноятларга олиб келди, Толиб Мамажоновнинг ибораси билан айтганда, ҳаммаси чалкашиб кетди...

Бир вақтлар улар ўзларини «адолат»чилар, «Ислом лашкарлари» дея эълон қилишмаган эдими?! Бу билан улар Исломга ҳам соя солишмадими, ахир?!

Ваҳҳобийлар бу ерда бири-биридан мудҳиш ўнта жиноят содир этишган. Уларнинг қилмишида чавоқлаш, бўғиб, азоблаб ўлдириш, бошини танасидан жудо қилиш одат тусига кирган. Жиноятчилар ваҳшийлигидан огоҳ бўлар экансиз, беихтиёр Толиб Мамажоновнинг муштипар онаси «оти ўчсин шу ваҳҳобийликнинг» дея қарғагани ёдингизга тушади. Улар дин йўлига кирган эмас, балки Худодан қайтган одамлар эканлигига амин бўласиз.

Бу гуруҳ Покистон ва Афғонистонда махсус тайёргарликдан ўтишгани, Тожикистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

### 14. Ҳалоллик Исломда энг олий матлаб...

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган маҳаллий ва хорижий оммавий-ахборот воситалари учун брифингда Покистоннинг Пешовар туманида жойлашган диний ўқув юртларида «Ҳизби Ҳаракати Жиҳод», «Даъват ул-Иршод» ва «Покистон Ислом уламолари жамияти» каби ташкилотлар ёрдамида ўзбекистонлик, аксарияти водийлик бўлган ёшлар Ўзбекистонда осойишта вазиятни беқарорлаштириш, террорчилик ҳаракатлари уюштириш учун ўқитилаётгани таъкидланди. Ҳали суяги қотмаган, мустақил ҳаётий тажриба ва дунёқарашга эга бўлмаган ёшларга жиҳод ва ваҳҳобийликнинг ғоялари сингдирилмоқда, ҳатто Афғонистоннинг толиблар назорати остидаги ҳудудларидаги махсус лагерларда ҳарбий машқ ўтаб, қўпорувчилик ишларига тайёрланмоқда. «Махсус тайёргарлик» ўталгач, улар Тожикистон ва Қирғизистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга қайтиб келадилар. Ҳозир Покистондаги мазкур яширин ўқув марказларида Марказий Осиёдан, асосан, Тожикистон ва Ўзбекистондан келган «тингловчи»лар сони 400 га яқиндир...

Брифингда қайд этилдики, «фаолиятлари тўғрисида Покистон расмий идоралари бехабар бўлган ушбу марказларнинг асосий мақсади Исломнинг тинчликсевар тамойилларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, экстремистик йўналишлаги диний мафкуранинг ашаддий, мутаассиб тарафдорларини тайёрлашдан иборатдир. Террорчилик ҳаракатларининг амалга ошириш ва вазиятни беқарорлаштириш, анъанавий Ислом негизларини барбод қилиш, қонуний конституцион тузумга қарши кураш ва натижада Марказий Осиё ҳудудида ўта экстремист йўналишдаги Ислом давлатларини барпо этиш мақсадида мазкур шахслардан жангарилар гуруҳлари ташкил этилади...»

Бу ҳол қисматини шу юрт тақдирига боғлаган, унинг келажаги учун жони ачийдиган ҳар бир диёнатли кишини ташвишлантиради.

Наҳот биз фарзандларимиз тақдирига шунчалик лоқайд қарасак?

Уларни оқ ювиб, оқ тарасагу, эрта-индин қанотимга киради деб турган бир пайтда у қандайдир таъмагир таъсирига тушиб қолса ва унинг қўлидаги қуролга айланса, «Ёки биз билан биргасан ёки сен бизга душмансан. Душман бўлсанг, биз сени ўлдиришимиз, мол-мулкингни талашимиз мумкин!» деб ўз биродарига қўл кўтарса?

### 15. «Фарзандларимиз... биздан ўзиб кетишсин!»

Туркистонда ҳидоят нуридан куч олиб, ҳидоят нури ила мўъминлар кўнглини нурлантирган не-не муҳаддислар, ҳадис ва тафсир олимлари, авлиё ва сўфийлар яшаб ўтди. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий...

Улар дунёвий нафсдан жуда юксак турган ва айни пайтда дунёвий илмни ҳам рад этмаган. Шунинг учун ҳам улар униб ўсган заминда улар билан елкама-елка ҳур фикр камол топди. **«Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин»** деган қараш шундан далолат эмасми? Абу Наср ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек яратган башарий кашфиётлар, тафаккур дунёсининг тўйиниши шундан далолат эмасми?

Биз истаймизми, йўқми, ҳозирги ҳар қандай оқим ёхуд ақидапарастлик замирида шуни яратган ва амалга киритган, киритаётган шахсларнинг, давлатнинг манфаати ётади. Бу — Ислом дегани эмас.

Қолаверса, ҳар бир шахснинг, миллатнинг, давлатнинг ўз манфаатлари бўлади. Шунинг учун ҳам бундан беш-ўн йил муқаддам дини бир, иймони бир бўлса-да, Ироқ мусулмонлари қувайтлик биродарларига қарши ўт очди...

Беш-олти йил аввал космик ракетага биринчи бўлиб рангли телевизор ўрнатишни амалга оширган олим Абдурашид Отахонов ташвишли бир гапни айтди:

— Кеча Наманганга бориб келдим. Болалар намоз ўқиймиз, деб дарсни ҳам ташлаб қўйишган. Мен Арабистонда бўлганман, улар намозини ҳам ўқишади, келиб компьютерда ишини ҳам қилишади. Бизнинг ёшлар эса ҳатто телевизор кўришни куфр санашади. Шунчалик мутаассиб бўлиши шартмикан? XXI аср бўсағасида яшаётган бўлсак?...

Шундай бўлган.

Яширишнинг нима ҳожати бор: бизда ҳам диний экстремистик қарашлар, хусусан, ваҳҳобийлар таъсирига тушиб қолган ёшлар йўқ эмас. Бу уларнинг ўзларини тутишида, беписандлик, ўжарликларида, ақидаларга ўзларича амал қилишида яққол кўзга ташланади. Аммо улар бу ҳаракат ортида «соф дин» тарафдорлари эмас, аслида тузумимизни, тутган йўлимизни, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, ўзгаришларни кўра олмаётган кучлар турганлигини сезишармикин?

Бундай ҳаракатнинг ташкилотчи, ҳомийлари олов чиққан заҳоти ўзларини панага олишади, чунки залолатга номлари боғланиб қолишини исташмайди, аммо улар ҳеч бўлмаса бирор ихтилоф чиқса, ўзаро келишмовчиликлар юз берса, осойишталик ва якдилликка путур етса дейди...

Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётган ҳозирги масъулиятли даврда биз фарзандларимиз тарбияси, уларнинг қисматига бефарқ қарамаслигимиз даркор, динимиз азиз, эътиқодимиз мустаҳкам, Ватанга садоқатимиз улуғ бўлсин, айни пайтда теварак-атрофда содир бўлаётган ишларга ҳам зийраклик билан қарайлик. Навқирон авлод маънавияти нечоғлик комил бўлиши бугун берилаётган тарбияга боғлиқ. Бу мажбурият ҳамма нарсадан устундир.

Биз XXI аср бўсағасида турибмиз. Юртбошимиз ният қилганидек, **XXI асрга соғлом авлодни етиштириб берайлик! Фарзандларимиз алпқомат бўлишсин! Ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан биздан ўзиб кетишсин!**

Ҳозир барчанинг умид кўзи — гуркираб ўсаётган ёшларда. Ким уларнинг комил инсонлар бўлиб етишишини истамайди дейсиз? Комиллик эса дунёвий илмларни эгаллаш баробарида шаклланади. Ҳадиси шарифда айтилганидек, бир соат илм ўрганиш бир кечалик нафл ибодатидан афзалдир.

Мусулмонлар уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср ал-Форобий айтганидек, аслида ҳар бир инсон қўлга киритиши мумкин бўлган мақом — юксак камолотга эришиш учун дунёга келади. Бу камолот етук саодат деб аталади. Ва у юксак камолотни таъмин этувчи турли жузъийларни ўзида бирлаштиради. Бу маърифат, илм, касб-ҳунар каби фазилат санъатидир. Илм ва касб-ҳунарни эгаллашга, камолотга эришишга, аҳлларни тарбиялашга ҳавас билан интилган кишилар чинакам фазилат соҳиблари, маърифат аҳлларидир.

**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Собир ЎНАР,**
**Шодиқул ҲАМРОЕВ.**

# БУЮКЛИГИ, СУЮКЛИГИ ШУНДАН АЁЛНИНГ...

Аёл шундай қудратли зотки, унинг меҳридан нурланмаган кулба, қаҳридан қуламаган қўрғон йўқ.

Аёллар дунёнинг сири, аёлни билган дунёни тейран англайди.

Аёллар — жамиятнинг кўзгуси. Маънавият булоғи бошида аёллар туради. Чунки дунёдаги бор гўзал ва пок нарсалар — қуёш, ой, юлдузлар, гулу сумбуллар — бари аёлга қиёс этилади. Оллоҳ эса пок ва гўзал нарсаларни суюб унга меҳр нурини сочади. Шу маънода аёл қалби ҳам Оллоҳ нури билан жилоланган буюк мўъжиза, қудратли тимсол, енгилмас қалъа. Буюклиги шундан, суюклиги шундан аёлнинг. Шунинг учун ҳам аёл юрган йўлда гул ўсиб, аёл тутган қўлда миллат, халқ улғаяди.

Ҳаётдаги энг эзгу ниятлар, улуғ ғоялар, ҳайратли ихтиролару кашфиётлар булоғи билсангиз аёл қалбида кўз очиб, фарзандлар вужудида она сути ила сингиб, камолот чўққисига етади. Шунинг учун ҳам буюк оналик қисмати аёлга инъом этилган.

Замину қуёшсиз гуллар очилмаганидек, аёлларсиз ҳам тириклик, яшариш, тараққиёт йўқ.




Донишмандлар айтганларидек, Ер юзидаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли юзага келган. Дунёни кафтида тутган Жаҳонгир Искандар ҳам онага — аёлга қулликни дунёга ҳоким бўлмоқдан устун ва кўп бора шарафли деб билган. Ҳа, аёл ҳар қандай мақтовлардан, ҳамду санолардан юксакда тургувчи энг улуғ ва муборак зотдир. Унинг оналик салоҳияти, аёллик латофати, фидоийлиги ва фарзандига меҳри таърифу тавсифга сиғмас мўъжиза. Шунинг учун ҳам қон ва жон билан йўғрилган буюк каломларга она сўзи қўшиб айтилади: Она Ватан, Она Замин, Она табиат...

Қадим Шарқимизда аёлни шунинг учун ҳам гулни асрагандек асрашган. Аёлнинг, онанинг, опа-сингилларнинг ному шаъни жон ва қон ила ҳимоя этилган. Шундан бу юртда донишмандлар туғилиб, алломалар камолга етган, фотиҳларнинг овозаси етти иқлимни тутган.

Бугун юртимизда ўша эъзозли қадриятлар, ўша меҳр-муҳаббат аёлга, онага, хотин-қизларга қайтди. У «Соғлом авлод» тимсолида бўй кўрсатиб, «Тадбиркор аёллар» мисолида ҳаётга сингиб бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда муҳташам залга қараб шундай мурожаат қилдилар. «Ҳар қандай жамоани, ҳар қандай жамиятни аввало аёллар обод этади. Менинг таклифим, 1998 йилни Оила йили деб эълон қилсак, ҳар томонлама олижаноб иш бўларди». Бу муборак сўз билан юртбошимиз аёл шаънини, унинг оналик, бекалик салтанатини ва яна давлат ҳамда жамият ишидаги фаолиятини юқори баҳоладилар.

Ҳукуматимиз, адолатли, инсонпарвар жамият барпо этаётган юртбошимиз йилимизни «Оила йили» атаб, бизнинг ҳар биримизни ўйлашга, фикр қилишга, оилани бахт қўрғонига айлантиришга даъват этмоқда. Негаки, жаҳон узра қад ростлаётган Ўзбекистонимиз келажаги, бўй-басти, миллатимиз эртаси бўлмиш навниҳолларимиз қадди эгик, кўнгли синиқ бўлиб вояга етмасин. Келажаги буюк қудратли давлатни синиқ руҳли ўғлонлар, эгик қадли қизлар эмас, соғлом фикрли, баркамол, бобокалонларидек мард, жасур, ғурурли авлод бунёд этади. Бундай юртнинг ному шаънига айланувчи мукаррам инсонлар эса оилада, Онанинг муқаддас алласи, орзулари, пок ниятлари силсиласида камолга етадилар.

**Амина ҚОДИРОВА.**

## КУЛИНГ, КЎП ЯШАЙСИЗ

# МУҲИДДИН ҚИЗИҚ ДАРВЕШОВ БИСОТИДАН

*Маҳалла оқсоқоли ёшларни тўплаб хўп насиҳат қилибди.*

*— Эрталаб барвақт туринглар! Кимки барвақт турса иши унумли, ризқи улуғ, бири икки бўлади. Худо саҳарда ризқ улашади, — деб гапини якунлабди.*

*Бир йигитнинг иши ҳеч юришмас экан. Насиҳатларни ўзича тушуниб, эртасига соат тўртда уйғонибди.*

*— Ҳа, дадаси тинчликми? — хотин ҳайрон бўлиб сўрабди.*

*— Э, сўрама, — йигит жавоб қилибди. — Саҳарда ризқ улашаркан. Кимки барвақт турса бири икки бўларкан. Янги костюм-шимни олиб чиқ. Чўнтагига беш юз солиб қўявер, зора икки бўлиб минг сўм қилиб қайтариб келсам!*

*Йигит ясаниб кўчага чиқибди. Ризқдан дарак бўлмабди. «Ризқимиз нарироқдамикан?» деб кўча бўйлаб йўлга тушибди. Йўл четида учтаси папирос чекиб туришган экан. «Йўл бўлсин, муллака?» дейишиб, йигитнинг йўлини тўсишибди, пули, костюм-шимигача тортиб олишибди, кўзини кўкартиришибди, лабини ёришибди... Йигит майка-турсикда уйига қайтибди. Хотини ҳайрон бўлиб сўрабди:*

*— Ҳа, дадаси, биримиз икки бўлдими?*

*— Уч бўлди, — дебди йигит. — Биздан эрта турганлар ҳам бор экан.*

* * *

*Иккита оғайни суҳбатлашаяпти:*

*— Фарзандлар нечта бўлди?*

*— Ўнта.*

*— Отангизга раҳмат. Нечтаси ўғил, нечтаси қиз?*

*— Бештаси ўғил, бештаси қиз. Ўзингизда-чи?*

*— Саккизта.*

*— Ие, анавини қаранг, бадавлат экансиз. Нечтаси ўғил, нечтаси қиз?*

*— Каттаси Фотима-Зуҳра, қолганлари қиз.*

* * *

*Қурбон шилқим Москвага бориб сартарошга кириб қолибди:*

*— Мўйловни гажжак қилиб қўй! — дебди.*

*— Хўп, бўлади, — дебди сартарош қўлини кўксига қўйиб. — Мўйловингизнинг гажжагини юқорига қилиб қўяйми ё пастга?*

*— Қайси бирига қизлар кўпроқ қарайди? — сўрабди Қурбон шилқим.*

*— Гажжаги юқорига қараган бўлса ёш, чиройли-чиройли қизлар қарайди. Пастга бўлса ўрта яшар жувонлар қарайди...*

*— Бўлмаса, — дебди Қурбон шилқим, — ўзимизнинг Қўқонча қилиб биттасини юқорига, биттасини пастга қилиб қўявер.*

* * *

*Саксонга кирган отахон йўлда кетаётиб бир жононга кўзи тушиб қолибди. Кўзига ором бериб турса, сув сепадиган машина ўтиб қолибди. Қиз қўрқиб кетиб, «Вой!» деб ўзини отахонга уриб олибди. Отахоннинг димоқларига хушбўй ҳидлар урилиб, ҳайдовчининг орқасидан бақирармиш:*

*— Сув сепадиган ўғлим, яна битта қайтиб ўт-э!*

**Саид АНВАР тўплаган.**




# МУШУК ВА УЗУМ

Маълумингизким, илованизнинг 2-сонида расм-топишмоқ эълон қилган эдик. Ростини айтсак, бу сурат муштарийлар орасида биз кутганимиздан ҳам зиёда акс-садо берди. Таҳририятимизга бу ҳақда фикр-мулоҳазалар битилган мактублар ҳамон келмоқда. Жумладан, Андижон вилояти, Бўз туманидаги 23-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилнозахон Қўзибоева, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани С. Сегизбоев номли корпорацияси 5-бўлимида истиқомат қилувчи Тошпўлат Тўраев, Самарқанд вилояти, Челак тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи Ойгул Назарова, Тошкент вилояти, Зангиота тумани Улуғбек жамоа хўжалигида ҳуқуқшунос бўлиб ишловчи Малика Солижоновалар расм-топишмоқ хусусида жўяли фикрлар айтишган, ҳатто айримлари шеърий жавоблар ҳам йўллашган.

Таҳририят ходимлари жавобларни бирма-бир ўрганиб чиқиб, учта хат муаллифларининг энг яхши, деб топилган фикрларини чоп этишга қарор қилди.

**Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ — профессор:**

1. Хурофотчи мушук: — Охирзамон келганда мушук узумга бошқоронғи бўларкан.

2. Ношукур мушук: — Узумни бошимга ураманми! Ток новдаларида сичқонлар осилиб турмайдими?

**Ёшузоқ ЮСУПОВ — Олот туманидаги «Янги ҳаёт» газетаси муҳаррири:**

— Оғзимни бир ширин қилиб олсаммикин-а...

**З. ДЕҲҚОНОВА — Поп тумани, Ғурумсарой қишлоғи:**

— Онамиз ов қилишни ва йиртқичлардан ўзимизни мудофаа этишни ўргатибди-ю, гўзаллик ҳақида ҳеч нарса демаган экан-а...

Энди эса, азиз муштарий, эътиборингизга навбатдаги расм-топишмоқни эълон қилаяпмиз. Жавобларингизни кутамиз.



**ИЛОВАНИ:** *Норқобил ЖАЛИЛ, Эсиргап БОЛИЕВ, Аброр ОРИПОВ, Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ, Рустам АЗИМОВлар тайёрлашди.*

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир

# OILA

«Халқ сўзи» газетасининг иловаси

7 март
№ 4
ШАНБА
1998 йил

ОСТОНА

## КЎЗ ТЕГМАСИН

«Кимга?» деб юборасиз ҳаяжон билан. Сўнг кафтлар очилади-да, тилак тиланади: «Шу ёруғ кунларга-да!..»

Эй, ҳайрати уйғонаётган қондошим-а, нияти қутлуғ дилдошим-а, сиз бунчалар соддасиз, ахир бугун тўрт тарафга бир боқинг. Дунёнинг янги, яъни ХХ аср сўнгидаги харитасига разм солинг: ЎЗБЕКИСТОН деган мамлакат янги чиқаётган Ой янглиғ ўзининг шаффоф нурларини таратаётир! (секингина «илоё, кўз тегмасин» деб пичирлайсиз яна. Яшанг.)

Ҳаёт — мангулик учун курашдир. Демак, мангулик ҳар биримизнинг ҳаётимизга бевосита дахлдор ва бу дахлдорлик йўли ниҳоятда узундир. Ва...нотекисдир. Унда гулу чечаклар билан ёнма-ён алафлар ҳам бисёр. Бу йўлда интилиш бор, лекин тўхташ, қайтмоқ йўқ, вассалом!

Йўл узун, аслида умр ундан-да узундай туюлади. Бу манзил ЎЗБЕКИСТОН отлиғ улкан кемани дунё сайёраси билан боғлаётган энг шарафли манзилдир. Кема энди катта йўлга чиқди.

Бугун ҳар биримизнинг остонамиздан Баҳор насимлари эсаётир. Кўнглимизда бир дунё қувонч. Боиси, яна қутлуғ тантаналар бошланаяпти. Наврўзи олам кириб келмоқда. Эртага қутлуғ айём. Озод юртда яшамоқнинг ўзи бир тенгсиз бахт бўлса, бу мамлакатда нишонланаётган ҳар бир тантана ҳам юракларга чексиз қувончлар, шодмонликлар бағишлайди. Шундай кунда дуоси нондай азиз момолару аллалари дунёни тебратган оналарга, «ёр-ёр»лари кўнгилларни йиғлатган сингилларга фақат яхшилик ва муҳаббат ёр бўлмоғини тилаймиз (биламиз, яна аста шивирлаб қўяпсиз: «кўз тегмасин!»).

Азизлар, қаранг, юртимиз осмонида бугун юлдузлар янада чароғонлашиб, нурланиб бораяпти. Бу қиёсни, таърифни биз ҳур Ватанимиз одамлари чеҳраларида зоҳир бўлаётганини кўраяпмиз. Муборак остонамизда эса истиқлолимизнинг еттинчи йили эшик чертаётир. Бу улуғ кунлар-да ғаниматдир. Чунки яхшиликлар, эзгуликлар фақат ёруғ кунларни, дилбар лаҳзаларни етаклаб келади, деганлари рост.

**Жалил КАРВОН.**



OILA 2

МУЛОҲАЗА

# ХОТИРЖАМ ОИЛА – ДАВЛАТ БОЙЛИГИ

Саодат нури эркcевар, иродали кишилар йўлинигина ёритади. Қолипга сиғмайдиган нодир ғоялар, қарашлару ҳаракатлар ана шундай кишилардан чиқади. Эркcевар мард кишилар ижтимоий зулуму қатоғонлардан тап тортмайдилар. Боиси – уларнинг эрки англанган заруратдир, иродаси эса ақл-идрок. ор-номус ва виждон камолатидадир. Ушбу сатрлар таниқли файласуф олим марҳум Ҳайдар Пўлатов қаламига мансуб. Устоз Ҳ. Пўлатовнинг юқоридаги фикрлари мажмуасини юртбошимиз И. А. Каримов фаолиятида ортиғи билан кўриб, мустақил Ватанимизнинг ҳар йилдаги залворли одимидан буни ҳис қилиб бормоқдамиз.

Дарҳақиқат, босиб ўтилган ҳар бир йил ўз номига эга: Улуғбек йили, Амир Темур йили, Инсон манфаатлари йили, 1998 йил эса - Оила йили, деб ном олди.

Буларнинг барчасида республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Келажаги буюк давлат» қуриш йўлидаги узоқни кўзлаган дастурининг босқичлари десак муболаға бўлмайди. «Мендан энг катта бойлик нима деб сўрашса, билимли, ақлли, одобли, эртанги кунини ўйлайдиған фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги деб айтган бўлар эдим, – деган эди юртбошимиз. – Бундай бойликка эга бўлганларни жамоа бой-бадавлат ота-она, бой-бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди».

Масаланинг бу йўсинда қўйилиши оиланинг жамиятимиздаги роли ва тутган ўрни нақадар муҳимлигидан далолатдир, оила муаммоси давлат миқёсидаги даражага бекорга кўтарилаётгани йўқ экан. Зеро, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар нечоғлик соғлом бўлса, оилада шахснинг баркамол шаклланишига таъсир қилувчи салбий омиллар шу қадар камаяди, жамият соғломлашади ва тараққий этади.

Жамиятнинг бошланғич бўғинини оила ташкил этади. Одам ато ва Момо ҳавонинг яқинлашуви – оилани ташкил этади, деган ривоятда жонли асос бор.

Оила фаравонлиги миллий фаравонлик асоси ҳамдир.

Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар, ҳалоллик, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади. Марказий Осиёда кенг тарқалган қадимий зардуштийликда оила ва никоҳ масаласига, Инсон муаммосига муҳим аҳамият берилган. Унда кўрсатилишича, бекаму-кўст, тўқ ҳаёт, соғлом тана ва меҳнат инсоний яшашнинг идеалидир. Ўсмирлик чоғидан бошлабоқ уларга (ёшларга) диний ва ахлоқий қарашлар ўргатилган ва сингдирилган.

Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқининг энг қадимий талабларидан ҳисобланган. Оила ва никоҳ тангри талабига тўғри келганлиги боис уни бузиш тақиқланган. Мабодо оилада (эр ёки хотин) ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик гуноҳи содир этилса, ундай кишилар таёқ билан жазоланганлар. Демак, оила мустаҳкамлиги учун кураш жуда қадимий бўлиб, жамоа бу масалани ўз зиммасига олган экан.

Кўриниб турибдики, Шарқда қадимдан оила муқаддас Ватан ҳисобланган. Унинг мустаҳкамлиги, моддий қуввати, эл орасидаги обрў-эътибори нафақат ота-онага, шоира Ойдин Ҳожиева ёзганидек, бобо ва бувиларга, бутун хонадон аҳлига, етти пуштининг наслу насабига ҳам боғлиқ саналган. Шунинг учун ҳам оиланинг ички сир-саноати кўчага чиқмаган, унинг ҳар қандай муаммолари шу хонадон уруғ-аймоқлари ўртасида муҳокама қилинган, муроса, келишув йўли тутилган. Тақдир тақозоси билан етим қолган болаларни ҳеч қачон бегона уйларга, бошқа бир хонадонга зор қилишмаган. Ўз пушти камаридан бўлган фарзандларини ёлғиз она қарамоғига ташлаб кетиш эркак киши учун кечириб бўлмайдиган орият саналганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ёруғ дунёни кўрган фарзанднинг барча юмушлари, ташвишлари ва харажатлари то у оёққа туриб, турмуш «тўрва»си бўйнига осилгунча ота-онанинг ёхуд ота авлодининг зиммасида бўлган.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, отанинг оиладаги роли ўзига хос алоҳидаликка эга. Ўтмишда оиланинг барча таъминотини ота ўз гарданига олган. Бу – тарихий ҳақиқат. Аммо гап бундан 10-15 йил орқага, собиқ шўролар ҳукмрон бўлган даврга бироз разм солинса, ғаройиб ҳодисаларнинг, баъзан аччиқ ва аламли турмуш тарзига эга бўлган оиланинг бугунги кундаги оқибатини ҳам сезиб олиш қийин эмас. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги қуйидаги тафсилотга (1998 йил 6 февраль сони) бир эътибор беринг-а:

«... Биз қишлоқда яшаймиз. Эрим оддий тракторчи, оғир меҳнатдан қочмайди. Лекин вақтида маош олмайди, аммо шундай бўлсада эски тракторини ташламайди. Қайтага томорқадан топганини ҳам уни тузатишга сарфлайди.

Кичкинамга юкли бўлган кезларим эди (ўн биринчисига). Бир кун нон ёпай десам сандиқда ун қолмаган эди. Эримга айтсам пинагини ҳам бузмади. «Пул йўқ», деб чойни ичиб ўтираверди. Бундай бепарволикдан зардам қайнаб кетди. «Сиз ҳам мундоқ бошқаларга ўхшаб пул топсангиз-чи, токайгача битта тракторга ёпишиб оласиз?» - дедим ўзимни боса олмай. «Ўчир овозингни! – турмуш ўртоғим бирдан тутоқиб кетди. Менга бировларни мисол келтирма. Бошқа иш қўлимдан келмайди, бўлганим шу тушундингми?».

Шу ва шунга ўхшаш воқеаларнинг содир бўлиб туриши ҳар қандай кишини мулоҳаза юритишга мажбур қилади. Хўш, эр нима учун бу каби аччиқ гапни тўкиб солди? Унинг бундай ҳолатга бориб қолишининг илдизи қаерда?



Кимдир буни отанинг оила ва фарзандлари олдидаги маъсулиятни тўла ҳис қилмаганлигида, дейиши ҳам мумкин. Аммо гап бошқа томонда. Аввало, ота-она «фарзандларни қаторлаштириб кўпайтириб ташлаш»дан олдин уларни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлай олишим мумкинми ёки йўқми, деган масалани чуқурроқ ўйлаб кўриши керак эди. Айниқса, қишлоқ оилаларидаги турмуш маданияти, оила этикаси, ота-оналик ва фарзандлик бурчи тўғрисидаги савиянинг ҳали етарли эмаслиги баъзи қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Тўғри, ўзбекларнинг болажонлигини ҳеч ким инкор қилмоқчи эмас ва шундай серфарзанд оилалар ҳам бор. Давлат бундай оилаларни ҳар доим ўз паноҳига олган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шу мақсадда «Оила» кодексида ҳам юқоридаги фикрларнинг қамраб олинишига ишончимиз комил. Лекин ҳамма нарсани давлат ўз зиммасига олади, деган тушунчани ҳам ўзгартириш пайти келди. Фарзанд кўриш ва унинг тарбиясини, энг аввало, иқтисодий таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб ҳал қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Шу туфайли иқтисодий ночорлик шахснинг шаклланишида унинг етуклик даражасига ҳам таъсир қилмай қолмаслигини ҳисобга олиш лозим.

Бу воқеанинг яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топдик. Отанинг «Бўлганим шу» деган фикрининг замини кўп йиллар мобайнида ҳукм сурган «боқимандалик» кайфиятининг одамлар руҳиятига қанчалик сингиб кетганлиги, қолаверса собиқ коммунистик мафкура таъсирида амал қилиб келган давлатчилик тузуми билан ҳам боғлиқдир. Инсонларнинг эркин-эмин фаолият кўрсатишга, бир неча касб эгаси бўлишга урунилган ҳаракатларининг «занжирланган»лиги оқибатида кишиларнинг «бўлганим шу» бўлиб қолганлигидадир.

Ёки етти мучали соғ, юзидан қон томадиган бақувват эркакнинг сигарета учун фарзандидан пул сўраб туриши, барча емак-ичмагини, кийим-кечагини хотин елкасига юклаб қўйганлигини қандай тушуниш лозим? Уйда ўтириб ширин-ширин овқатлар пишириб, фарзандларининг ахлоқ-одоби билан шуғулланадиган, уйнинг саранжом-саришталигини жойига қўядиган аёлнинг рўзғор тебратиш учун шаҳарма-шаҳар, бозорма-бозор, мамлакатма-мамлакат кезиб юришлари қайси таомилга тўғри келади? Бу мусулмончиликка ҳам, ўзбекона ор-номусга ҳам сиғмайди. Албатта, бу оналар ишламасин, деган хулосани келтириб чиқармаслиги керак. Оиладаги эркаклар (фақат отагина эмас) барча рўзғор харажатларини таъминлашнинг уддасидан чиқа оладиган бўлса, онанинг уйда фарзандлар тарбияси билан шуғулланишига нима етсин!

Баъзи оилаларда бўлганимизда, кўзни қамаштирадиган қандиллар, қат-қат гиламлар, турли бўёқлар билан безатилган деворлар,биллур идишлар тўла сервантлар, хорижий телевизор ва видеомагнитафонларни кўрасиз. Аммо шу жиҳозлар ичида бирорта китоб ёки газета-журналларнинг йўқлиги дилингизни хуфтон қилади. Бугунги кунда «ялтироқ ҳаётга берилиб кетган» оилаларни етук оила деб баҳолаб бўлмайди. Моддийлик билан маънавийликни уйғун олиб бориш керак.

Оила мустаҳкамлиги ва соғломлиги ҳам ана шу икки жиҳатнинг ҳамоҳанглигидан иборатдир. Бундай оила хотиржам оиладир. Хотиржам оила эса давлат бойлигидир.

**Соли БОЙМАТОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ



# САДОҚАТ САЛТАНАТИНИНГ БЕКАСИ

Олти яшарлигида ҳам отасидан, ҳам онасидан айрилган Бикажон аммасининг қўлида қолди. Аммаси ғоятда солиҳа, оқила жувон бўлганидан кичкина қизалоқнинг кўнглида рўзғор юмушларига рағбат ва илмга муҳаббат уйғота билди. Кўп йиллар оқ ювиб, оқ тараб бўйи етгач, она ўрнида турмушга узатди.



— У киши мендан ўн икки ёш катта эдилар. Шу боисми ё ўзларининг хушқилиқ эканликлариданми, меҳр-муҳаббатли, аҳил яшадик. Тўнғичимиз дунёга келганида раҳм-шафқатли бўлсин, деб ният қилиб исмини Реймажон қўйишди. Кейинчалик Нормат, Нурмат, Гулора, Машариф, Ҳайитбой, Гулчеҳра... Ўнта бўлса ўрни бошқа, дегувчи эди раҳматлик.

«Энажон, тўрт ўғил — уч қизни камолга етказиш осон бўлмаганлиги кундай равшан. Ёшуллингиз қарашиб мушкулингизни осон қилгандирлар?» дейман.

— Йўқ, она қизим, йўқ. Асло! У кишининг исми-жисмига монанд эди. Назаримда унга Эрмат деб ном қўйиб янглишмаганлар. Эр кишининг бурчи рўзғорни бут қилиш, аёлнинг вазифаси ўрни-ўрнида ишлата билиш, тежоғлик бўлиш, энг муҳими, болаларни парвариш қилишдан иборат дердилар. Ўғил болалар тарбияси борасида ўта қаттиққўл эдилар. Буюрилган ишнинг натижасини беоқибат қолдирмаслик менга у кишидан ўтган.

Юзларидан нур, ҳар каломи ҳаёт фалсафасига тўлиғ бўлган онахоннинг суҳбатларига тўймоқ йўқдир. Барибир кўнглимнинг бир чеккасини қийнаб турган саволга жавоб олгим келади: «У киши оламдан ўтганларида айни жувонлик пайтингиз экан. Бунинг устига етти фарзандга ҳам ота, ҳам она бўлмоқ»...

— Жудоликка болам, Худонинг ўзи тўзим берсин экан. Дийдорларини соғинганимда, сўзларини қўмсаганимда ул киши ўқиган китобларни қўлимга оламан. Бахтимга ўғил-қизларим бор экан. Саломат бўлишсин. Шукр, эндиликда ҳар қайсиси ўзларидан ўзлари кўпайишяпти. Ҳар қайсиси бир оилага бош. Қирққа яқин неваранинг момосиман.

Оиласига, болаларига садоқатли кишиларнинг болалари ҳам садоқатли бўладилар, деганлари ҳақ экан. Бикажон момонинг ҳамма фарзандлари бу йил ўзининг қутлуғ саксон беш баҳорини кутаётган садоқатли онажонларини бирдай суйиб ардоқлайдилар.

... Шу пайт телефон жиринглади. «Эна, сизни Машариф тоғам сўраяптилар», деди Қувончбек. «Гулсаралар тўйини тезлатибди. Келмасангиз бўлмайди, деяпти Машариф», деди онахон. Унинг кўзларидаги шодлик кўзлардан-кўзларга кўчди. «Юбормаймиз» дейишиб Хушмат ҳам, Дониёрбек, Элёрбек, кичкинтой Шодияхон ҳам эналарини қучоқлаб олдилар. Кейин билсак, Шовот туманининг Бикажон момо истиқомат қилаётган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги қўшнилари қиз узатаётган эканлар. Тикилажак саруполару кўрпа-тўшакларга биринчи игнани момо қадаб берар эканлар. Халқимиз орасидаги бундайин эъзозга Бикажон Юсуфбой қизидай онахонларгина лойиқдирлар.

**Марямжон ХОЛМУРОДОВА,**
**Хоразм вилояти.**

## ВАТАН СУРАТЛАРИ

# СЕНИ СОҒИНГАНДИК, АЛПОМИШ!

Балки, Оллоҳнинг иродаси ила элимизга Алпомиш яна қайтиб, мустақиллик шабадалари кўкрагимизни силамаганида армонли сўроқлар ҳалигача жавобсиз қолаверар, авлодлар кўксидаги наштар тиғи ҳануз ширин жонимизни азоблашдан тўхтамас эди.

Аждодларимиз аслида қандай бўлганлигини қуйидаги сатрлардан илғаш қийин эмас: **«Алпомиш энадан туғилган вақтда Шоҳимардон пири борган эди. Шоҳимардон пири этагига солган эди, отини Ҳакимбек қўйиб, ўнг эйнига беш панжа урган эди. Шоҳимардон пирининг тарбият қилганидан ўтга солса куймас эди, қилич солса ўтмас эди, милтиқ отган билан ўқи ботмас эди, ул сабабни қалмоқлар билмасдан, қандай балога дучор бўлиб қолдик, деб аланглаб қолган эди».** Бундай мўъжизавий қудрат, сирли-сеҳрли куч истиқлол шарофати ила авлодлар қонида яна оқаётганлиги кўнгилда севинч, қониқиш ҳисларини жўш урдириб юборади.



Мана, яна Алпомиш ўз юртига қайтди!

Юртимизда яна қабиҳликлар чекиниб, ёп-ёруғ олам эшиклари ланг очилиб кетди. Буни англаш учун бир неча мисоллар келтира қолайлик. Асрлар мобайнида эплолмаган, орзу бўлиб қолган бир дунё ишларни биз мустақилликнинг ўтган олти-етти йилида рўёбга чиқармадикми? Жаҳонни лол қолдиргувчи улкан заводлар қурилаётгани, юртимизнинг барча жойи қайноқ қурилиш майдонига айланиб кетгани-чи?

Яна шуни тан олдимки, бугунги айрим енгил-елпи ҳаётга ўрганган, турмуш отлиқ мураккаб дунёда ўз бахтини топиб кетолмаган баъзи қизлар достонни ўқиб чиқсалар, фақат наф кўрар эди. Зора, Барчиндаги садоқату ибонинг нечоғлик таранглиги, меҳр булоғининг туби чексизлиги, Ватанга муҳаббат олови лов-лов ёнаётганлиги бундайларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмас.

Бироқ... Нега хитойларнинг Брюс-Лиси ҳақида бутун дунё биладию, Алпомиш хусусида ўзга юртларда ниҳоятда кам маълумот тарқатилган? Фикримизча, хорижий журнал ва газеталарда Алпомиш тўғрисида туркум мақолалар, илмий тадқиқотлар , достондан парчалар эълон қилиш зарур. Токи бошқа мамлакатлар халқлари ҳам ўзбеклар, умуман туркистонликлар бой миллий маданиятга, оғзаки адабиётга эга эканлиги ҳақида маълумот олсин, ўзбеклар бундан бир неча минг йиллар бурун ҳам бутун дунёни ларзага солган миллатнинг аждодлари эканлигини теранроқ ҳис этсин.

«Алпомиш» бугунги китобхон севиб, ардоқлаб ёстиқнинг тагига қўйиб ўқишга арзийдиган асар. Негаки, халқ бадиий идрокининг ёркин ифодаси бўлган бу ўлмас адабий мулкка ҳар куни муштоқлик, эҳтиёж туйгандек бўламиз. Асарни ўқиганда отлар дупури, ёйини ёғий узра мўлжалга олган баҳодирларнинг ҳай-ҳайлаган шовқин-сурони ҳамон қулоқларимиз остида жаранглагандек бўлади.

Биз «Алпомиш»да тасвир этилган урф-одатлар қуршовида улғайган авлодмиз. Чунки аждодларимиз бир неча минг йиллардан буён Ғарбнинг айрим чучмал кинолари ва китоблари руҳида тарбия топмаган. Аксинча, «Гўрўғли», «Алпомиш» каби ўнлаб буюк достонларда тасвир этилган қаҳрамонлик, ботирлик ва Ватанга чексиз муҳаббат ҳислари кўнглимизга оқиб кирганлигини, бизнинг қонимизга сингиб кетган бу гўзал туйғулар ҳамон асарларимизнинг бош мавзуси бўлиб қолганлигини эслаш кифоя. Асосий қисми қишлоқларда яшайдиган Сурхон воҳаси одамлари эса кўпинча узун кечалари достон эшитиб, тонг оттирадилар. Шеробод бахшичилик мактабининг Шерна бахши, Мардонақул, деҳқонободлик Қодир бахши каби истеъдодли вакиллари куйлаганда юрагингиз сел бўлиб кетмасмиди?

Ўзбекнинг ўтли бахшиси Шоберди Болтаевнинг мана бу сўзларини эшитинг: «Ўн йиллар илгари Тожикистоннинг олис бир қишлоғига тўйга бордик. Одам деганингиз ҳаммаёқни босиб кетган. Ҳатто уйларнинг, дарахтларнинг устига чиқиб олган болакайлар қилт этмай ўтирганини кўриб, ёқа ушладим. Шунда денг, худо қувват берсин, деб «Алпомиш» достонини айтишни бошлаб юбордим. Айтавердим, айтавердим, ярим кечадан ошиб кетди. Силлам қуриб, пича дам олган киши бўлиб, яна дўмбирани қўлга олдим. Эртаси куни чошгоҳ-чошгоҳ маҳаллари овозим хириллаб қолгандаям одамлар бир қадам қимирлагиси келмайди денг. Шу кеча неча-неча боболар, момолар қўлига рўмолча олиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлагани йиғлаган. Ёпирим-ей, санъатнинг қудратини қаранг иним, сизга тўғрисини айтайинма, бу сеҳрли куч менинг овозим ширали ёки ёқимли эканлигида эмас, достоннинг ўзи бадиий жиҳатдан дунёдаги энг буюк дурдоналардан бири эканлиги учун ҳосил бўлган деб ўйладим. Ахир, халқ қайси бир асарни шунчалик берилиб-берилиб тинглайди?

...Кун чошгоҳдан ошди. Етти йил Қалмоқлар зиндонида тутқунликда бўлган Алпомиш не-не кўргуликларни бошидан кечириб, ўз юртига эсон-омон келганлиги ҳақида куйлаётган бахши дўмбирани янада баландроқ, янада жўшқинроқ сайратиб юборди.

Тўйда ўтирган минг-минглаб томошабин худди ўзи мушкул аҳволдан қутулган каби енгил нафас олди. Ҳатто баланд-баланд деворларни миниб олган болакайлар ҳам севинганидан қийқириб, чапак чалиб юборишди...

Фақат достондаги образ эмас, ҳақиқий Алпомиш яна Қўнғирот элига, Туркистонга қайтиб келди. Афсус, бу галги қайтиши достонда тасвирлангани каби етти йилга эмас, етмиш йилга чўзилган эди.

...Алп баҳодирнинг қайтиши ўзига хос рамзийлик касб этади. Бу – мустақилликнинг қайтиши, миллий қадриятларимиз ҳамда урф-одатларимизнинг қайтиши, яна халқимиз мулкига айланганлигининг тимсоли эмасмикин?

Сени соғингандик, Алпомиш!

Сенинг қайтганинг абадулабад рост бўлсин.

**Жовли ХУШБОҚОВ.**

## УЧРАШУВ

# ЖЎРАХОН ҲОФИЗНИНГ НАБИРАСИ



... Эрта тонгда бир қўшиқ овозидан уйғониб кетдим. Қўшиқ яқиндагина тўй бўлган хонадондан келди. Қулоқ солдим:

***Ота деса отадек,***
***Саловати сададек.***
***Салом-салом, келин салом,***
***Қайин отасига салом.***

Таниш овоз, ҳеч қандай тарақа-туруқсиз доира билан айтилаётган бу қўшиқ бутун маҳаллани эрта тонгда уйғотгандай эди. Суҳбатдошим Санобар Каримова ўзбекнинг буюк санъаткори Жўрахон Султоновнинг набираси. Ҳозирги кунда Ғанижон Тошматов номидаги Дуторчилар ансамблида ишлайди.

**— Санобар, қачон илк бор саҳнага чиққансиз?**

— Кечагидек эсимда, 1970 йили «Марҳабо талантлар» кўрик — танлови ўтганди. Ўшанда катта саҳнада қўшиқ айтганман. Аслида илк устозим Жўрахон дадамлар. У кишини кўрмаган бўлсамда, ақлимни сал таний бошлаганимданоқ қўшиқларини эшитиб ўйнаганман, ўзим ҳам хиргойи қилганман.

Акам Жалолиддин Юсупов рубоб чалганида қўшилиб хиргойи қилардим, сўнг Жўрахон дадамни яхши билган Марғилоннинг ажойиб созандаси, устозим Каримжон Раҳматов қўлида таҳсил олдим. Каримжон аканинг бир гапи сира ҳам эсимдан чиқмайди. «Сен буюк ҳофизнинг набирасисан, буни сира эсдан чиқармагин», дегандилар. Йиллар ўтаяпти... Бу гапни ҳар гал одамлар орасида қўшиқ айтганимда эслайман.



Мен ният қилганман, у ҳам бўлса бобом айтган қўшиқларни иложи борича айтиш. Ҳозирги кунгача «Сафти суввора», «Ёввойи ушшоқ», «Сайри гулзор ўлмаса», «Оҳким» каби қўшиқларим ҳам бобомдан қолган мерос.

**— Енгилроқ қўшиқлар ҳам айтган бўлсангиз керак?**

— Эстрада йўлида айтишга ҳаракат қилганман. Шу саволингизга Жўрахон дадамнинг ҳар бир даврнинг ҳам ўз ҳофизлари бўлгани каби баъзан ўз қўшиқчилари ҳам бўлиб қолади, деган бетакрор таърифи билан жавоб қайтарсам. Лекин қўшиқ, ҳақиқий санъат билан ҳазиллашиб бўлмайди. Енгил-елпи қўшиқлар эса бир келади-ю, кетади. Ҳақиқийси халқ мулки бўлиб қолаверади.

**— Гурунгимиз аввалида устозлар юки ҳақида гапирдик. Бу айниқса сизда оғирроққа ўхшайди...**

— Оғир бўлганда ҳам икки карра. Биринчиси, Жўрахон дадам бўлсалар, иккинчиси, марҳум устозимиз Ғанижон Тошматов. Ана шу юкларни кўтаришнинг ҳам ўзи бўлмайди. Дуторчилар ансамбли тузилганидаёқ, домла жуда катта ният билан иш бошлаганини айтган эдилар. Бугун ҳам устозимизнинг энг эзгу ниятларини бажариш йўлида баҳоли қудрат ҳаракат қилаяпмиз.

**— Биласизми, санъат йўли ташвишу қувончларга тўлуғ дейишади. Гоҳ шодмонсиз, гоҳ...**

— Айниқса аёл санъаткорларга оғирроқ масъулият юкланади. Чунки тарозунинг бир палласида санъат, бир палласида оила туради. Тенг кўрилмаса қийин. Шунинг учун «қирқта жон» имизнинг ҳаммасини иккига бўлиб яшасак, ижод қилолсак, ўзимизни энг бахтлимиз дейишга ҳақлимиз. Бўлмаса... Аро йўлда қоламиз.

Мен барибир шукр қиламан. Халқимиз номини ардоқлайдиган оилада ва жамоада вояга етдим. Энг муҳими, халқни ўзгаларга танитадиган катта бир куч бу санъат. Санъатимизга заррача доғ тушмасин. Бугун бу катта меросимизни гуркиратадиган, элга кўрсатадиган кунлар келди. Мен қутлуғ байрамимиз 8-март билан Ўзбекистоннинг барча хотин — қизларини табриклайман. «Оила йили» ҳаммамизга бахт ва қувонч улашсин.

**Суҳбатдош:**
**А. АБДУВАЛИЕВ.**

## ОЙДИН БЕКАТ

# БУ ЙЎЛНИНГ ТУНИ ҲАМ ЁРУҒЛИК ТУҒАР

*Кўнгил дийдасини бошга кўтариб,*
*Тиниқ йўл изладим руҳимга ҳамроҳ.*
*Бу йўлни атадим муборак билиб,*
*Муқаддас манзиллар, муқаддас даргоҳ.*

*...Борса келар йўллар, борса келмас йўл.*
*Борса гумонлардан воз кечдим, кечиб,*
*Тўртинчи йўл, сени изладим бутқул,*
*Бардошни киприклар учида ичиб.*

*Бу кун Ишқнинг йўли сени кашф этдим,*
*Муқаддас йўлларнинг юклари оғир.*
*Ортга қарадим-у, қўл силтаб кетдим,*
*...Фақат оғринмасин, мени боққан Ер.*

*Бу йўлнинг кундузи туғар ёруғлик,*
*Бу йўлнинг туни ҳам ёруғлик туғар.*
*Бу йўлдан келмаслар қайғулик, йўқлик,*
*Бу йўл бекатида жаннатлар ухлар...*

*Бу йўллар етаклар, Ишқ Даргоҳига!*

## ЁҒДУДАГИ ОЙ

*Бугун туним ойданми ёруғ?!*
*Борлиқ узра куйланди қўшиқ,*
*Бугунки тун кундуздан қутлуғ,*
*Ой ёғдуси ташрифида ишқ.*

*Ҳайратлардан қотган қўрқувлар,*
*Йўл бўшатиб зўрға кузатар.*
*Ойнинг нури-сўлим парқулар*
*Чорлаб менга, қўлин узатар.*

*Ёр-ёр айтиб келади само,*
*Толе-сарбон, зийнатли карвон.*
*О муҳаббат, чолғувчи наво,*
*Фалак раққос — атрофда гирён.*

*Мен келинчак, қамар-шод куёв,*
*Сочқиларда юлдуз жаранги,*
*Ҳаяжондан юзларим лов-лов,*
*Ёғдуларга тўлар гўшанга.*

*Кавсар туйсин мушк-анбар исин,*
*Ҳароратдан куяр жисму жон...*
*Етти жаннат тутгач туҳфасин*
*Қўшиқ гуллар... туйғулар ларзон.*

*Ишқнинг нури туташ руҳимга,*
*Ёғдулардан ой каби туйдим,*
*Пойимдадур жаннат*
*... Буюк қалбга малика бўлдим.*

**Майрам ШАРОПОВА.**

